



**Единая электронная система разработки и
согласования проектов нормативно-правовых
актов**

Проект

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сув тежовчи
суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир
қисмини қоплаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида**

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қарори

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сув тежовчи
суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг
бир қисмини қоплаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, тутзорларни ташкил қилишда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун

насос станциясини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланиши;

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур қарор билан тасдиқланган Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, сув чиқариш учун бурғуланган қудукни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари - молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳалари ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Ж. Вахабов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ ” даги ____ - сон қарорига
-илова

Янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари ва насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тұғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

Томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган тут плантациялари майдонлари учун субсидия давлат бюджетидан фақат бир маротаба ажратилади.

Календарь йил бюджети параметрларида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган тут плантацияларига субсидия ажратиш учун кўзда тутилган маблағларни ўтган йилларда томчилатиб суғориш жорий этилган тут плантацияларига ажратилишига йўл қўйилмайди.

2. Мазкур Низом талаблари 2020 йил 1 январдан бошлаб томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган майдонларга нисбатан тадбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

талабгорлар – янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари;

томчилатиб суғориш – суғоришнинг янги интенсив тут экинлари илдизи ёнидаги зонага кам миқдорда (томчилатиб) сув етказиб берадиган усули.

4. Янги интенсив тут плантацияларини ташкил этишда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида:

жорий этилган томчилатиб суғориш тизимлари учун субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдори экин майдонининг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм;

томчилатиб суғориш тизимлари жорий қилинадиган тутзорларда сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилади.

Агар шартномада сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш құдуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга сарфланган харажатлар белгиланган субсидия миқдоридан кам бўлган тақдирда, субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади.

5. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ҳар бир гектар янги интенсив тут плантацияси майдонига субсидия миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдорига ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентни кўпайтириш йўли билан аниқланади.

6. Янги интенсив тут плантациялари ерларининг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентлар, шунингдек, томчилатиб суғориш технологияларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган тижорат банки кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар миқдори қуидаги жадвалга асосан ҳисобланади.

Янги интенсив тут плантациялари ерларининг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентлар, шунингдек, томчилатиб суғориш технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар миқдорлари

Суғориш тури	Ерларнинг бонитет баллари ҳисоб-китоби бўйича коэффициентлар					Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш
	0-20	21-40	41-60	61-80	81-100	
Тутзорлар*						
Томчилатиб суғориш	1,0	0,9	0,8	0,7	0,6	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда

*) субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тақдим этилади

7. Талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш, ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қишлоқ хўжалиги экинларини этиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастури (кейинги ўринларда манзилли дастур деб аталади) доирасида амалга оширилади.

2-боб. Талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзилли рўйхатларни

шакллантириш

8. Ҳар бир туманда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссияси (кейинги ўринларда туман ишчи комиссияси деб аталади) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган намунавий таркибда туман ишчи комиссияси тузилади.

Туман “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти туман ишчи комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

9. Талабгорлар келгуси йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича ҳар календарь йилининг 1 февралига қадар туман ишчи комиссиясига мазкур Низомнинг 1-иловасига кўра ариза билан мурожаат қиласди.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигига талабгорлар жавобгар ҳисобланади.

10. Туман ишчи комиссияси:

талабгорларнинг аризаларини қабул қиласди ҳамда уч иш кунида жойига чиқиб ўрганади, томчилатиб суғориш технологиялари жорий этиладиган ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциялари қуриладиган ер участкаларининг майдонлари, шарт-шароитлари, ер бонитет балли ва шўрланиш даражаси, этиштириладиган янги интенсив тут плантациясига мослиги, сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси ва бошқа томонларини кўриб чиқади, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзилли рўйхатларини (кейинги ўринларда туман манзилли рўйхатлари деб аталади) янги интенсив тут плантациясининг ҳудудлар ҳамда талабгорлар кесимида ер участкаларининг майдонлари, ер бонитет балли, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тијорат банклари номи кўрсатилган ҳолда шакллантиради.

Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи комиссияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари ҳар календарь йилнинг 15 февралялига қадар кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳига (кейинги ўринларда ҳудудий ишчи гуруҳи деб аталади) тақдим қилинади.

Туман манзилли рўйхатларининг тўғрилигига туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

Вилоят “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти ҳудудий ишчи гуруҳнинг ишчи органи ҳисобланади.

11. Ҳудудий ишчи гуруҳ:

туманларнинг манзилли рўйхатларини таҳлил қиласи ва келгуси йилда янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар кесимида ер участкаларининг майдонлари, ер бонитет балли, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда ҳудудий манзилли рўйхатларни (кейинги ўринларда ҳудудий манзилли рўйхатлар деб аталади) шакллантиради;

заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб қўшимча равишда ўрганади.

Ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳар календарь йилнинг 1 марта қадар “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Ҳудудий манзилли рўйхатларининг тўғрилигига ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

12. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси:

ҳудудий манзилли рўйхатларни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда таҳлил қиласи;

манзилли дастур лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида янги интенсив тут плантациялар ер майдонлари ва бошқа прогноз параметрлар кўрсатилган ҳолда шакллантиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар календарь йилнинг 15 марта қадар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этади.

13. Вазирлар Маҳкамаси ҳар календарь йилнинг 15 марта қадар келгуси йилда янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос

станцияларини қуриш манзилли дастурни тасдиқлади.

Тасдиқланган манзилли дастурни “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборади.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг янги интенсив тут плантацияларини ҳамда уларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришнинг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб ҳамда талабгорлар розилиги асосида тасдиқланган ҳудудий рўйхатлар доирасида ўзгартиришлар киритиши мумкин.

14. Янги тут плантацияларида жорий этилган томчилатиб суғориш технологиялари учун субсидия ажратиш ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

З-боб. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратилган маблағларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига етказади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

16. Талабгорлар томчилатиб суғориш технологияларини ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини лойиҳалар асосида тўлиқ қурилишини таъминлайди ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилишни ташкил қилиш учун туман ишчи комиссиясига мурожаат қиласи.

17. Туман ишчи комиссияси мурожаат келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

мурожаат қилган талабгорнинг тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатда

борлигини текширади;

худудий манзилли рўйхатда бор талабгор томонидан жорий қилинган томчилатиб суғориш технологиясини ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини жойига чиқиб талабгор ва пудрат ташкилоти вакили иштирокида ҳар томонлама пухта ўрганади ва ишлатиб кўради. Томчилатиб суғориш технологиялари ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциялари сифатли қурилиб, фойдаланишга тўлиқ тайёр ҳолда бўлса тегишли далолатномани расмийлаштиради, акс ҳолда далолатнома расмийлаштирилмайди;

далолатнома расмийлаштирилган талабгорга ушбу Низомнинг З-иловасига мувофиқ шаклда субсидия ажратиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.

Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосанинг ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

18. Туман ишчи комиссиясининг талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалари умумлаштирилиб, уларнинг рўйхатлари ҳар ўн кунда худудий ишчи гуруҳига кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун тақдим этилади. Рўйхатларга далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинади.

19. Ҳудудий ишчи гуруҳи:

туман ишчи комиссиясининг субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатлари келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни ичидан уларни таҳлил қиласи, заруратга кўра, жойига бориб ўрганади.

ҳар ўн кунда тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиради ва субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини шакллантириб “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига белгиланган тартибда тақдим этади. Ушбу рўйхатларга далолатномалар ва талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар илова қилинади.

20. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси:

Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган рўйхатларни улар келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан кўриб чиқиб умумлаштиради ва келишади;

якуний келишилган рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига тақдим қиласи.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси субсидия оловчи талабгорларнинг якуний рўйхатларининг тўғрилигига масъул ҳисобланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос

станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш бўйича тақдим қилинган якуний рўйхатларга асосан талабгорларнинг тижорат банкларидағи ҳисоб рақамларига субсидияларни ўтказиб беради.

4 - боб. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш
учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қисман қоплаш учун
субсидия ажратиш тартиби

22. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологияси бутловчи қисмларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича ҳар бир гектарга 20 млн.сўмдан ошмайдиган қисмига ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз харажатларини қоплаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

23. Томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган талабгорлар сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича бир гектарга 20 млн.сўмдан ошган қисми (компенсация қилинмайдиган қисми) алоҳида тижорат кредити билан расмийлаштирилади.

24. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳалари амалга оширилган ер майдонлари бўйича кейинги йилларда амалга ошириладиган лойиҳалари учун кредит мажбуриятларининг бир қисмини қоплашга йўл қўйилмайди.

5 - боб. Якунловчи қоидалар

25. Тасдиқланган манзилли дастур ҳамда худудий манзилли рўйхатлар “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

26. Талабгорлар томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган шартномавий мажбуриятлар бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмагандан, улар суд тартибида ҳал қилинади.

27. Талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва

бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш билан боғлиқ харажатлари ҳамда тегишли кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари ва насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

_____ тумани ҳокими,
туман ишчи комиссияси раҳбарига
_____ томонидан
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи ва раҳбарнинг
ф.и.о.)

АРИЗА

_____ ҳудудда фаолият кўрсатаётган

(худуд номи)

_____ туманда 20__ йилда сув тежовчи

(қишлоқ хўжалигии шлаб чиқарувчи номи)

суғориш технологияларини жорий қилиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш манзилли рўйхатига бизга ажратилган жами _____ гектар ер участкасида, жумладан _____ рақамли контурдаги _____ гектар, _____ рақамли контурдаги _____ гектар, _____ рақамли контурдаги _____ гектар майдонда янги интенсив тут плантациясида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш лойиҳасини киритишингизни сўрайман.

Ер майдонининг ўртача бонитет балли _____ балл, шўрланиш даражаси _____.

(шўрланмаган, кучсиз, ўртача шўрланган)

Ер участкаси сув билан _____.

(таъминланган, таъминланмаган)

Ер участкаси электр тармоғи билан _____.

(таъминланган, таъминланмаган)

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки _____.

Илова. Ер участкасининг қишлоқ хўжалиги харитасидан кўчирма.

_____ раҳбари _____
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

(имзо)

(ф.и.о.)

Янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва сув чиқарыш учун бурғиланган суғориш қудуклари ва насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш

СХЕМАСИ

Бос-қичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар Келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқарыш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш юзасидан туманлар ҳокимлари – туманлар ишчи комиссиялари раҳбарлари номига ёзма ариза билан мурожаат қиладилар.	Муддатлар Ҳар календарь йилининг 1 ноябрга қадар
I босқич	Талабгорлар	1. Талабгорларнинг ёзма аризаларини қабул қиласи ва жойида ўрганади ҳамда унинг натижаси билан келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқарыш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантиради. 2. Манзилли рўйхатлар ишчи комиссия аъзолари томонидан имзоланишини ва ишчи комиссиялар раҳбарлари томонидан тасдиқланишини таъминлайди ҳамда кўриб чиқиш учун ҳудудий ишчи гурухга тақдим қиласи.	Уч кун
II босқич	Туманлар ишчи комиссиялари		Ҳар календарь йилнинг 5 ноябрига қадар

III-босқич	Худудий ишчи гуруҳлар	<p>1. Туманларнинг келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзилли рўйхатларини таҳлил қиласди ва умумлаштиради. Лозим бўлган ҳолларда жойида ўрганади.</p> <p>2. Келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзилли рўйхатларни умумлаштиради. Манзилли рўйхатлар ишчи гуруҳларнинг аъзолари томонидан имзоланишини ва ишчи гуруҳлар раҳбарлари томонидан тасдиқланишини таъминлайди ҳамда “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига белгиланган тартибда тақдим қиласди.</p>	Ҳар календарь йилнинг 10 ноябрига қадар
IV босқич	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси	<p>1. Худудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган манзилли рўйхатларни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi билан биргаликда таҳлил қиласди.</p> <p>2. Келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича манзиллий рўйхатни прогноз кўрсаткичлари параметрлари кўрсатилган ҳолда шакллантиради ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим қиласди.</p>	Ҳар календарь йилнинг 15 ноябрига қадар
V босқич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	<p>1. Келгуси йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш прогноз кўрсаткичлари параметрлари рўйхатини тасдиқлади.</p> <p>2. Тасдиқланган рўйхатни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборади.</p>	Ҳар календарь йилнинг 20 ноябрига қадар

		Томчилатиб суғориш технологиясини ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини лойиха асосида тўлиқ қурилишини таъминлайди ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилишни ташкил қилиш учун туманлар ишчи комиссияларига мурожаат қиласди.	Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш якунлангандан сўнг
XII босқич	Талабгорлар		
XIII босқич	Туманлар ишчи комиссиялари	Талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологияларини ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини фойдаланишга қабул қилиш юзасидан мурожаатларини жойида ҳар томонлама пухта ўрганади ва тегишли далолатномаларни расмийлаштиради.	Уч кун муддатда
XIV босқич	Талабгорлар	Томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплашга субсидияни олиш учун туманлар ишчи комиссияларига тегишли ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тақдим қиласди.	Сув тежовчи суғориш технологиялари ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини фойдаланишга қабул қилингандан сўнг

XV босқич	Туманлар ишчи комиссиялари	<p>1. Талабгорларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича тасдиқланган манзилли рўйхатда бор ёки йўқлигини аниқлайди ва уларнинг ҳужжатларни қабул қилиб олади ҳамда маълумотлар базасини шакллантириб боради.</p> <p>2. Тақдим қилинган ҳужжатларини тўлиқ таҳлил қиласди ва Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда хulosалар тайёрлаб, барча аъзолар томонидан имзолашни ҳамда ишчи комиссиялари раҳбарлари томонидан тасдиқлашни таъминлайди.</p> <p>3. Тасдиқланган ижобий хulosалар асосида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплашга субсидияни олишга талабгорларнинг рўйхатларини шакллантиради ҳамда ишчи комиссиялар аъзолари томонидан имзолашни ва ишчи комиссиялар раҳбарлари томонидан тасдиқлашни таъминлайди, талабгорларнинг тегишли ҳужжатлари билан биргаликда белгиланган тартибда худудий ишчи гуруҳларга тақдим қиласди.</p>	1 кун муддатда Уч кун муддатда Ҳар 10 кунда
XVI босқич	Худудий ишчи гуруҳлар	<p>Туманлар ишчи комиссиялари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлил қиласди.</p> <p>Зарур ҳолларда ҳужжатларни жойида ўрганади, талабгорларнинг рўйхатларини шакллантиради, худудий ишчи гуруҳлар аъзолари томонидан имзолашни ва ишчи гуруҳлар раҳбарлари томонидан тасдиқлашни таъминлайди ҳамда тасдиқланган хulosаларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қиласди.</p>	Бир кун муддатда Ҳар 10 кунда

XVII босқич

Ўзбекистон
Республикаси
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги

Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда худудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган хужжатларни ўрганиб чиқади ва умумлаштиради ҳамда келишади.

Худудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган ва (ёки) сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуқлари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қурган талабгорларнинг рўйхатлари ҳамда ҳар бир талабгор бўйича тасдиқланган хулосалар асосида субсидияларни талабгорларнинг тижорат банкларидағи ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

Ҳар 10 кунда

Янги интенсив тут плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари ва насос станцияларини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

“Тасдиқлайман”

_____ туман ҳокими – туман ишчи комиссияси раҳбари

(имзо, муҳр) _____ (ф.и.о.)

20__ йил “___” _____

_____ туманида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга ва насос станцияларини қуришга кўмаклашувчи ҳамда тугалланган ишларни фойдаланишга қабул қилувчи ишчи комиссиясининг

ХУЛОСАСИ

_____ (туман номи) туманида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга ва сув чиқариш учун бурғиланган суғориш қудуклари, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга кўмаклашувчи ва тугалланган ишларни қабул қилувчи ишчи комиссия янги тут плантациясида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган _____ (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)нинг 20__ йил _____ даги мурожаатини жойида ўрганиб чиқди ва қуидагиларни аниқлади:

1. _____ 20__ йилда _____ га
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

майдонда, жумладан, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га, янги интенсив тут плантациясида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун жами қиймати _____ сўм бўлган лойиха ишлаб чиқсан ҳамда уни жорий қилиш учун _____ билан жами қиймати _____ сўм

(пудрат, хизмат кўрсатиш ташкилоти номи)

бўлган шартнома тузган;

2. _____ тижорат банки билан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун жами _____ сўмга _____ фоизли кредит шарномасини тузган ҳамда амалда _____ сўм кредит олган (мавжуд бўлса);

3. 20__ йилда жами _____ га майдонда, жумладан, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га, _____ рақамли контурда _____ га, янги интенсив тут плантациясида томчилатиб суғориш технологиясини жорий

қилган ва ишга туширган.

ХУЛОСА:

га жами _____ сўм

(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ҳамда тижорат банкининг кредитлари бўйича _____ фоиз харажатларини қоплаш учун _____ сўм маблағ тўлаш мақсадга мувофиқ.

Туман ишчи комиссия аъзолари:

T/p	ф.и.о.	имзо	Лавозими
1.			туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ишчи комиссияси раҳбарининг ўринбосари
2.			туман ирригация бўлими бошлиғи
3.			туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи
4.			туман электр тармоқлари корхонаси директори
5.			Туман “Агропилла” МЧЖ, янги интенсив тут плантацияси бўйича туман ишчи комиссияси ишчи органи раҳбари
6.			хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари
			“Ўзбекгидрогеология” институти (ДУК)